O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DIY HOMPA

ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД, РИЗҚИ НАСИБАНГИЗ ЗИЁДА, ГЎЗАЛЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТ ДОИМ СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 8 март, № 46 (3845) Чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда, авваламбор, азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса, қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.



Аёллар — жамият кўрки ва таянчи, меҳр-мурувват, эзгулик тимсоли. Хотин-қизларни асраб-авайлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Аёлларнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги улушини, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини халқимиз, Ватанимиз юксак қадрлайди.

ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март куни ўтказилган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақида гап борди. Бу ерга мунис онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёллар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлашга, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада оширишга, ҳуқуқий, интеллектуал, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид кўплаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият кўрсатаётгани миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилаяпти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров меҳри дарё оналаримизни, опа-сингилларимизни байрам билан қутлади ва ўзининг янги шеърини ўқиб берди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали талабаси Замира Палуаниёзова, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичеҳра Шомуродова юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг ашула ва рақслари байрам дастурига янада файз бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март.

Сиз спортчи, Сиз ҳарбий, Сиз рассом...

Кеча марказий офицерлар уйида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан уюштирилган тадбирга ҳарбий соҳада хизмат қилаётган аёллар таклиф этилди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги тизимидаги хотин-қизлар байрам билан табрикланди.

Таъкидланганидек, бугун аёлларимиз барча соҳаларда фаол меҳнат қилмоқдалар. Ҳарбий хизматда фидокорона меҳнат қилган аёлларимиздан кўпчилиги давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳарбий либос кийган аёлларимиз юртимиз спорти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кичик сержант, Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, Осиё чемпиони, трамплинда сакраш бўйичи жаҳон кубоги совриндори Екатерина Шилько, оддий аскар, енгил атлетика бўйича Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, Осиё чемпиони Анастасия Журавлева, кичик сержант, ўқ отиш бўйича Осиё ўйинлари совриндори Алёна Аксёновалар бугун барчамизнинг фахримизга айланишган.

Байрам тадбирида хизматда ўрнак бўлаётган бир гуруҳ аёлларимизнинг ҳарбий унвони оширилгани маълум қилиниб, уларга совғалар топширилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) сурат-лавҳаси.

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ҳукуматининг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида грант-шартномалари имзоланди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу грантларнинг умумий қиймати сал кам 404 минг АҚШ долларидан иборат. Мазкур маблағ Сирдарё, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги асосан айрим умумий ўрта таълим мактаблари, шифо масканлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга йўналтирилади.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тайвань раҳбариятининг Миллий бирлашув кенгаши фаолияти ва «Миллий бирлашув дастури»ни амалга оширишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорини қоралайди.

Ўзбекистон ягона Хитой тарафдори бўлиб келган ва ҳозир ҳам шу фикрда туриб, Хитой Халқ Республикасининг «иккита Хитой» ёки «битта Хитой, битта Тайвань»ни яратишга йўналтирилган ҳар қандай уринишларга қарши принципиал ёндашувини қатъий ва изчил қўллаб-қувватлайди ҳамда барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишни ёқлайди.



Ҳаётимиз

Омон бўлинг, ОНАЛАР!

Она! Бу сўз ҳар биримизнинг қалбимиздан мангу жой олган. Энг қувончли ва энг изтиробли лаҳзаларда ҳам онажонимиз бизга мададкор. Кўнглимизга, кўзимизга, жонимизга ҳамиша боқиб турадиган зот — она сиймосини яратиш ҳар бир ижодкор учун шарафли юмуш. Биз саккизинчи март арафасида бир қатор ижодкорларга ***"Она сиймосини яратиш жараёнида кўнглингиздан нималар кечади?"*** *— деган савол билан мурожаат қилдик.*

Бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратадиган аёл — Она эъзозга, эҳтиромга, ҳурматга, муҳаббатга ҳамиша лойиқ, ҳамиша муносиб! Оналарнинг қадр-қимматини ҳеч бир неъмат билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, қорнида тўққиз ой арзанда бўлганимиз, кўз очиб кўрган дунёмиз — онамиз тоабад мукаррам ва муқаддасдир.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Баркамол авлодни тарбиялаш, оила ва маҳалла тизимини мустаҳкамлаш, аёл ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлаш, ҳаётини яхшилаш ҳамда турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Қатор тиббиёт муассасалари, она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти Оила (1998), Аёллар (1999), Оналар ва болалар (2000) ҳамда Соғлом авлод (2001) йилларида янада такомиллашди. Қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг аксариятида аёлнинг оғирини енгиллаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айлантириш ўз аксини топган.

Гапнинг мухтасари шулки, аёл бугун ҳар томонлама иззату икромда. Унинг мавқеи ва нуфузи кундан-кунга юксалиб бораётир. Юртбошимизнинг "Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман ҳаётимизга маъно-мазмун бағишлайдиган, бизни одамийлик, мардлик ва олижанобликкa, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди", деган пурҳикмат сўзлари Ўзбекистон хотин-қизларига берилган юксак баҳодир.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Юз ёшли момонинг тилаклари

Деҳқонобод туманининг "Кўкбулоқ" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган тўққизта қишлоқда бир асрни қаршилаган табаррук кексалар кўп. Улардан бири суратда кўриб турганингиз, қўчқорбулоқлик Бубайҳол момо Эраҳматовадир.

— Олти ўғлим, бир қизим бор, — дейди момо. — Улар олти набира, йигирма олти чевара ва битта дуварага кўпайишди. Узоқ яшашнинг сири нимада дейсизми? Умрни ҳалол меҳнат билан ўтказишда.

Юртимиздаги барча аёллару қизларни 8 март байрами билан табриклаб, уларга бахт-иқбол тилайман. Яна элимиз тинч бўлсин. Ҳамиша омонликда кўришайлик!

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА)
олган сурат.

Беминнат хазина

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Дунёдаги барча аёл қавмини бирлаштириб турадиган сеҳрли куч бор. Бу — Она меҳри! Агар биз содда, донишманд бувиларимиз, суюкли аёлларимиз, мунис опа-сингилларимиз, меҳрибон қизларимиз, ширин-шакар набира қизалоқларимизнинг ҳаммасига оҳа ёки бўлажак она деб қарасак, рўпарамизда нақадар улуғ зот турганини тушунамиз. Зеро, фарзандга меҳр бобида дунёдаги ҳамма оналар бир хил. Она меҳри на миллат, на давлат, на сиёсат, на дин чегарасини тан олади! Чексиз фидойилик билан уйғунлашиб кетган бу туйғу шу қадар беқиёс қудратга эгаки, гоҳо ақлимиз лол қолади.

Она меҳри ҳақида не-не шеъру достонлар, не-не ҳикоя ва романлар ёзилмаган. Не-не полотнолар, ҳайкаллар яратилмаган. Не-не қўшиқлар куйланмаган... Ҳадиси Шарифда айтилишича, бир аёлнинг уч нафар боласи гўдаклигида нобуд бўлса, улар Маҳшар куни дўзах йўлини тўсиб, онасини ҳимоя қилар экан. Агар нобуд бўлган гўдак иккита бўлса ҳам шундай бўларкан. Башарти аёлнинг битта боласи нобуд бўлган бўлса, у ҳам шундай қиларкан. Зеро, она учун фарзанд доғини кўришнинг ўзи дўзах азобидан кам эмас. Назаримда, она меҳри ҳақида бундан теранроқ ҳикоя қилувчи асар бўлмаса керак. Бу меҳр шундай хазинаки, қанча кўп ишлатилса, шунча кўпайиб бораверади. Ва у ҳамиша беминнат улашилади.

Бир нарсани кўп синаганман. Соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрганимда на отам, на онам тушимга киради. Нимадандир қаттиқ сиқилсам, изтироб чексам, ўша куни онам, албатта, "йўқлайди"... Оналар ҳатто вафотидан кейин ҳам она бўлиб қолар экан.

Айтинг-чи, онангиз ҳаётмилар? Бахтли одам экансиз! Мен сизга ҳавас қиламан!

Шукрона

Бугунги гўзал байрамга хонадонимизда бир ҳафта бурун тайёргарлик бошланди. Ҳовлимиз янги келинчакдек яшнаб кетди. Ўғлим билан келиним узум зангиларини ток сўриларга тараб чиқишди. Набираларим атиргул ва қизил гулларни қайчилаб текислашди. Яна турли гул ва райҳон уруғлари сепишди.

Бугун менинг туғилган куним, 84 га тўламан. Ҳадемай эшикдан қизларим, куёвларим ва набираларим кириб келишади. Ҳаммамиз жам бўлиб, дастурхон атрофида гурунглашамиз. Фарзандларимнинг бахтиёр чеҳраларига боқиб, ҳаёлим олисларга уланади.

Менинг ёшлигим Олтиариқ туманидаги Охунбобоев номли колхознинг (ҳозирда ширкат хўжалиги) пахта даласида ўтган. У пайтларда эрта тонгдан то ярим кечагача тиним билмай ишлардик. Байрам нималигини билмасдик. Ўшанда ҳам саккизинчи март эди. Туғилган куним эди. Ҳаво совуқлигига қарамасдан сеялка қилинган майдонларда ажриқ илдизини тердик. Қоронғи тушгач, иккита от қўшилган хаптакач аравага ўтириб, уйга қайтамиз деб тургандик, райкомдан ҳамма шийпонда тунаб қолсин, деган буйруқ келди. Ҳанг-манг бўлиб қолдик. Табелчимиз Ҳамиджон эса отига миниб идорага кетди. Орадан икки соатлар ўтиб, у раис Мукаррамжон (жойи жаннатда бўлсин) билан қайтиб келди. Раисимиз бугун байрам кунида аёллар шийпонда тунаб қолса яхшимас, деган ўйда бизга рухсат берди. Уйга етиб келиб қарасам, соат тунги бир бўлган экан. Эртаси куни эшитсак раисни райкомга чақириб, байрам пахтадан азиз бўлдими, деб роса танобини тортишибди. Шундан соғлиғи янада ёмонлашиб, эски касали хуруж қилиб, оламдан кўз юмди.

Бугун дориломон замонларда яшаяпмиз. Ҳар бир байрам дам олиш куни деб эълон қилинган. Ҳар байрамда давлатимиз раҳбари халқимизни муборакбод этади. Мана шундай кунларни қадрлаб яшашнинг ўзи бахт эмасми, ахир?

Кимёхон ҲАЙДАРОВА,
меҳнат фахрийси.
Фарғона вилояти.

Қисматлари фидойиликдир

Эркин ВОҲИДОВ,
халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Она ҳақида кўп ва хўб ёзилган. Аммо Ҳазрат Навоийдан ўтказиб нима ҳам дейиш мумкин? Она ҳақидаги шеърият асл шеъриятдир. Шеъриятнинг онаси ҳам онанинг ўзи. Унинг бешик устида ўтказган бедор тунлари, дард чексак ранг-рўйимизга термулиб эзилишлари, ўзини беминнат фидо айлашларининг мингдан бирини қайтара оламиканмиз?

Она ҳақида шеър ёзаётганимда армонларим уйғониб кетади. Тирикчилик, машаққат ва йўқчилик ичра ҳаётдан жуда эрта кўз юмиб кетган волидам билан хаёлан суҳбатлашаман.

— Онажоним, нечун барвақт у томонга йўл олдингиз, нечун мени барвақт тарк этдингиз? — дейман ўпкам тўлиб.

— Йиғлама, болажоним. Мен сени сира ташлаб кетганим йўқ. Ҳамиша сен билан биргаман-ку.

Ҳар гал шундай мулоқотдан сўнг хаёлимда бир фикр тинмай чарх ураверади:

Оналар икки дунёда ҳам фарзандлари учун яшайди! Уларнинг қисмати фидойиликдир!

Нафосат салтанати

Байрам муносабати билан пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида Людмила Содиқованинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда мўйқалам соҳибасининг турли йилларда яратган энг сара асарлари намойиш этилмоқда. Айниқса, "Уч назокат", "Уйқудаги қиз", "Куз" каби асарларида хотин-қизларимизнинг нақадар мафтункор эканликлари акс эттирилган.

— Бу кўргазманинг байрам арафасида ташкил этилиши нафақат мусаввир учун, балки барча хотин-қизларга муносиб тухфа бўлди, — дейди Бадиий ижодкорлар уюшмаси масъул котиби Феруза Каримова. — Негаки, аёл қалбини, кўпроқ, аёл тушунади. Мазкур кўргазма эса уларга гўё дийдорлашиш, сирлашиш имконини беради.

Шунингдек, ушбу санъат марказида яна бир кўргазма очилди. Ундан грециялик Константинос Политиснинг қирқдан ортиқ фотосуратлари ўрин олган. "Гўзаллик салони" деб номланган мазкур кўргазмада юртимиз қизларининг латофати ва назокати намоён этилаётганлиги аҳамиятлидир.

Анвар САМАДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаннат оналар оёғи остидадур...

Шу сўзни, шу сўз пинжида кўзларини жавдиратиб яшаётган маънони нафасингни ичингга ютиб, бағрингга босинг келади. Эркалагинг келади. Кафтингда боланг учун олиб бораётган сувдай авайлагинг келади.

... Андижондан чиққан поезд силкинар, деразадан тушаётган нур чақалоқни безовта қилар, инжиқлигини баттар оширарди. Ҳанифа исмли аёл биз чой ичганда ҳам тин олмади. Биз уйқуга кетганда ҳам ҳаловат нелигин билмади. Кипригимизга уйқу илинай дейди-ю, чақалоқнинг йиғиси ана шу уйқуни чўчитиб юборади. Ярим тун. Купели вагоннинг торгина йўлагида жувон у ёқдан бу ёққа тинимсиз бориб келади. Кичкинтойига ярим овозда нималардир, дея шивирлаб алла айтади.

Алла айтиб шивирлайди.

Дил изҳори

Мен сизни танийман, мунисам...

Баъзи йўловчилар уни ношудликда айблаб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона ёзғиришади. Қишнинг бир туни минг кеча, деганлари рост экан. Баъзан мен ҳам қаршидан келаётган паровоз чинқириғидан уйғониб кетардим. Манзара боягибоғяги эди. Ёстиққа авайлаб ётқизилган чақалоқ онаси энди совуқ темирга суяниб нафас ростлайман, деганида яна йиғисини бошлаб қоларди. Қанча синчиклаб тикилмайин, жувоннинг на юзларида, на кўзларида нолишу норозилик ифодасини кўрдим.

Бизни ҳам мана шундай фидойи бир аёл катта қилмаганми? Бир парча этга жону жаҳонини тикмаганми?

Нуқул шошиб юрамиз. Нуқул ишимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётганлигини деш қиламиз. Ўзимизни кўп нарсага қодир ва биздиз дунёнинг ташвишлари битмайдигандек ҳисоблаймиз. Улар бизни кечиради, деб ўйлаймиз. Улар бизни тушунади, деб хаёл қиламиз. Бизни кечиришлари ва тушунишлари шарт, дея ўзимизни юпатамиз.

Вақт келадики, меҳр деганлари, арзимас бир эътибор деганлари на дўконда, на бозорда сотилмаслигини билиб қоламиз...

* * *

... Бу аёл мени ўтказишга жой тополмасди. Дунёда неки яхшилик бўлса, барини фақат ва фақат менга раво кўрарди. Уйида фақат мен учун солинадиган кўрпачалар ва фақат мен ёнбошлайдиган ёстиқлар бўларди. Мен борганда ишлатадиган чойнак-пиёлалар, идиш-товоқлар жавонда алоҳида сақланарди.

Афтидан ноябрь адоғи эди. Тасодифан йўлим тушиб, унинг уйига кирдим. Дарвозасидан овоз бермай кирганлигим учун у мени сезмай қолди. Чўлда юриб эрига чой қайнатган, ғўзанинг ўтини юлган, бўш пайтида қовун чопиқ қилган, кўзлари эндиликда анча хиралашиб қолган бу аёл менинг опам эди.

Айвонда ўтириб чой ичаяпман. У бир қўлида қовун, бир қўли билан эса деворни пайпаслаб дарвоза олдидаги машина яқинига нарса ташийди. Туртиниб-туртиниб кетади. Бироқ қўлтиғидаги қовунни ташлаб юбормайди. Юзларидаги ранж аломатларини табассумнинг тафти сидиргандек бўлади. "Болаларингга олиб борасан. Уларнинг ҳам оғзи тегсин, ахир. Кўрмаяпсанми, еру жаҳон қовунга тўлиб кетган..." дерди деворни ушлаганча ҳовлига қайтаркан.

Неча куз, неча баҳорлар ўтди. Неча қовун пишиқлари ортда қолди. Ҳар гал бозорда, пайкалда ёки машиналарда қирқма қовунларни кўрсам опам эсимга тушади. Қўлтиғида қовун кўтарганча деворларни ушлаб-ушлаб бораётгандаги ҳолати дилимни ўртаб юборади.

* * *

Бу аёлнинг эгнидан бирон марта атир ҳиди уфурмаган. Ранги оппоқ оқкуврайлар билан токпилларнинг ҳиди келарди. Чақирга йўлим тушиб қолса юзлаб одамнинг ичидан мен томон энтикиб талпинарди. Энтикиб кўришарди. Айтадиган сўзини унутиб қўйишдан чўчиётгандек бўйнимдан маҳкам қучоқлаб оларди.

— Ўзим гиргиттон бўлай. Бола-чақаларинг яхшими? Келингинам чопқиллаб юрибдими? Нега аммам бор деб, эшигимга бир бор бош суқмайсан? Бизларни ҳам бу дунёга боғлаб қўймаган-ку, — дерди у.

Билсам, уялар эканман. Тортинар эканман мен. Унинг бошига ўраб олган узун рўмоллари, ҳилвиллаган енглари мени хижолатга солар экан.

Чақирга борсам аммамга дуч келмасликнинг йўлини қидирардим. Қизил рўмол ўраган аёллар томонга хавотирланиб қараб қўярдим. Аммам барибир мени қидириб топарди. Қишлоқдаги гувала бекат ҳали-ҳали кўз ўнгимда. Аммам мени, албатта, ўша ерда кутиб турарди. Кузда бир қоп олма билан бир қоп қуриган исириқ, кўкламда эса бир қоп исмалоқ билан мени пойлаб ўтирарди. Мен сузма солинган, мойли қуртлар билан тўла сариқ халталардан хижолат тортардим. Уларнинг кўпини ярим йўлда сойларга ташлаб юборган пайтларим ҳам бўлган.

Яқинда Чақирга бордим. Тўй ҳам ширин ўтди. Қариндош-уруғлару ёру биродарлар билан мириқиб гурунглашдик. Хайрхўш чоғи нуқул аёллар юрган ҳовли бурчагига қарайман. Нимадир етишмаётгандек, нимадандир кўнглим тўлмаётгандек бўлаверди. Машинага ўтираётиб ҳам тўйхонадаги аёлларга қараб-қараб қўйдим. Катта йўлга чиққанимда ҳам ортимда нимадир қолиб кетаётгандек эди. Шунда бирданига нимтатир оққуврай ва қуриган пичан ҳидларини соғинганлигимни ҳис этдим. Томоғим ачишиб кетди. Чап кўксимда нимадир жазиллади.

* * *

Осмонни юлдузлар гўзал қилади. Бу бор гап.

Осмонни оймомо чароғон айлайди. Бу-да сир эмас.

Осмонда қуёш бўлмасачи? Қуштили кўкка талпинармикин? Коврак барг чиқарармикин? Дарахтларга ким яшил қўйлаклар тухфа айлайди? Қир-адирларда, тоғу тошларда жаннат шамоллари эсармикин?

Одам боласининг ҳам ўз осмони бўлади. Қалбининг осмони бўлади. Юрагининг осмони бўлади. Ана шу осмоннинг ўз офтоблари бўлади. Улар қўлимиздан тушиб кетган хўрозқандимизни тиллари билан ғубордан тозалаб, яна оғзимизга тутади. Товонимизга кирган тиканни киприги билан тортиб олади. Узун тунлари унинг ёстиғи бешигимизнинг ёғочи бўлади. Мактабни тугаллашимиз арафасида ҳам енгларида туршагу майиз кўтариб, катта танаффусларда ҳузуримизга ошиқишади.

...Фаранги атирлари. Ранго-ранг матолар. Ёқут кўзли узуклар. Қундуз ёқали пальтолар. Маҳбубаларимизнинг кўнгилларини овлаш учун биз уларни дўконлардан, бозорлардан харид қилиб шодланамиз.

Пича инсоф билан ўйланг. Онангиз, опангиз ва синглингизга сўнгги байрамда нима совға қилдингиз? Кўнгилларини нима билан овладингиз?

Бир жуфт пайпоқ. Бир жуфт калиш. Бўёқлари бир ювганда ўчиб кетадиган одмигина сочиқ. Бўлди. Шунинг ўзи етарли. Шунинг ўзи улар учун ниҳоятда катта тухфа. Оналаримиз ўша арзимас матони бағрига босганча қувониб, қўлларини дуога очади.

... Тун. Вагон силкиниб кетиб бормоқда. Бекатлардаги бетон устунларга ўрнатилган чироқлардан тушаётган нур чақалоқни безовта айлайди. Ҳамроҳлар норози. Аёл эса ана шу одамларнинг ошкора ва яширин пичингларини ичига ютиб, боласига алла айтганча тунни тонгга яқинлаштириб борарди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳамиша эъзозда

Байрам олдидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, енгил ва мебель саноати, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмалари марказий ҳамда шаҳар кенгашлари хайрли ишга қўл урдилар. Улар шаҳримизда фаолият кўрсатаётган шифокору ўқитувчилар, шаҳар ободончилигига ўз ҳиссаларини қўшаётган опа-сингиллар учун байрам тадбири уюштиришди. Минг нафардан ортиқ аёллар уч кун давомида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида "Супер қайнона-2" ва "Жайдари келин" спектаклларини мириқиб томоша қилдилар.

Томошалар олдидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. Муҳитдинова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, тўпланганларни байрам билан қутладилар, эзгу тилакларини билдирдилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Т. ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

мазмуни сизлар!

Омон бўлинг, ОНАЛАР!

Кўзларига тик боқолмаганман

Илҳом ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли ҳайкалтарош:

— Бундан бир неча йиллар аввал пойтахтимизнинг Хотира майдонидаги "Мотамсаро она" ҳайкалини ишлагандим. Ишонасизми, Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" романининг қаҳрамони Кумуш вафотини тасвирлаётиб йиғлаганидек, мен ҳам ушбу ҳайкални яратиш давомида кўп таъсирландим. Менга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак кетган ўғлонини кута-кута юрак-бағри қонга тўлган она ўрнига бахтли онани яратсам бўлмасмиди, деган ўй сира тинчлик бермасди. Ҳатто ҳайкал ўрнатилган кун "она"нинг кўзларига тик боқолмаганман.

Яхши ният — ярим давлат, деганлари рост экан. Истиқлолнинг 14 йиллиги арафасида бунёд этилган Эзгулик аркасини кўздан кечирган Президентимиз, унинг ёнига гўдагини бағрига босиб турган ёш ўзбек аёли — бахтли она тимсоли ўрнатилишини таклиф қилганди. Бундан бениҳоя фахрланиб, ҳайкалнинг ўнга яқин эскизларини ясадим. Икки ойда иш ниҳоясига етиб, 2006 йил арафасида Эзгулик аркаси ёнига "Бахтиёр она" ҳайкали ўрнатилиб, унга "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб ном берилди. Орзуим ушалди. Зеро, мен оналарнинг ҳамиша ана шундай бахтли бўлмоқларини истайман.

Қуёшдек нур сочаверади

Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Мен яратган она образлари асосан ойнаи жаҳоннинг "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатуви ҳиссасига тўғри келади. Ишонсангиз, онанинг салбий қиёфасида сира кўрингим келмайди. Чунки, менинг назаримда, дунёдаги барча оналар яхши. Шунинг учун ҳамиша ролни тайёрлаш кезларида оиласига, фарзандига меҳрибон, соф кўнгил ва самимий аёллар кўз ўнгимга келаверади. Репетиция онларида эса раҳматли онагинам билан устозим Сорахон опам (Эшонтўраева)ни кўриб тургандек бўлавераман. Она меҳри қуёш мисол тинмай нур сочаверади.

Тақдимот

Қўшалоқ қувонч

Таниқли журналист Санъат Маҳмудова кенг газетхонлар қалбини забт этган. Зеро, ижодкорнинг мақолалари, очерклари ва публицистикаси ҳаётнинг турли жабҳаларидан ҳикоя қилганлиги билан диққатга сазовор.

Ҳаёти ва ижодини бир умрга "Саодат" журнали билан боғлаган Санъатхон опа, пенсияда бўлса-да, ҳамон қўлларида қалам. У бошдан кечирганларини "Мен кўрган одамлар" китобида жамлади.

Байрам арафасида Миллий матбуот марказида ушбу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда шоирлар, ёзувчилар, журналистлар ҳамда муаллифнинг мухлислари қатнашиб, асарнинг ўзига хос равон ва ширин йўсинда ёзилганини эътироф этдилар.

Қувончлиси шундаки, ўша куни шоира Зулфиянинг ҳам "Тонгнинг ўзидай пок ва ёркин" деб номланган шеърий тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.

Зеро, устоз руҳи шодлиги ва шогирд қувончига гувоҳ бўлган куннинг файзи айричадир.

Ўз мухбиримиз.

Корейс маданияти куни

Корея маданияти билан яқиндан танишиш ва шу тилда таҳсил олаётган талабалар билимини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Корейс маданияти куни» танлови бўлиб ўтди. Унда университетнинг инглиз филологияси, таржимонлик ва халқаро журналистика факультетлари талабалари иштирок этдилар. Танлов қатнашчиларининг тил билиш ва нотиқлик маҳоратини корейлик ҳакамлар баҳолаб боришди.

Тадбирда ғолиблар ва барча иштирокчиларга қимматбаҳо мукофотлар ва эсдалик совғалар топширилди.

Нодира ОРИФХЎЖАЕВА, талаба.

MTS GSM
UZDUNROBITA first cellular

Азиз хотин - қизлар!
«Ўздунробита» компанияси сизни ажойиб баҳор байрами – 8 март билан муборакбод этади ва сизга бахт ва шодлик тилайди!
Ҳаётингиз доимо гулларга тўла бўлсин!
Баҳор қуёши қалбларингизни иссиқ нурларга тўлдирсин!
Ҳар бир кунингиз яқинларингиз билан мулоқот хурсандчилиги билан тўлсин!



www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Хизматлар лицензияланган

NOBEL

Шифокорлар ва фармацевтлар диққатига!
"NOBEL PHARMSANOAT" ЧЭК янги дори воситаларини эътиборингизга ҳавола этади!

Цефалоспорин гуруҳига мансуб антибиотик
Таъсир этувчи модда: **Цефуроксим аксетил.**
Дори шакли : **Қутида 250 мг ли - 10 та таблетка. Қутида 500 мг ли - 10 та таблетка.**
ЎзССВ томонидан қайд этилган № 05/118/1



Ностероид яллиғланишга қарши восита.
Таъсир этувчи модда: **этодолак.**
Дори шакли : **Қутида 400 мг ли - 7-14 та таблетка.**
ЎзССВ томонидан қайд этилган №: 05/501/6

NOBEL PHARMSANOAT ЧЭКнинг барча маҳсулотлари махсус голограмма билан ҳимояланган.

Ўзбекистон Республикаси, 700060 Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 23
Тел: 1331301, 1331314, 1338891, Факс: 1360120
Website: www.nobel.uz; e-mail: info@nobel.uz

2217H/383

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МЕБЕЛЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ВА СПОРТ АНЖОМЛАРИ

КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ушбу кўргазмани ўтказишдан мақсад, умумтаълим мактабларига етказиб бериладиган жиҳозлар бўйича ўқитувчи, методистлар, ота-оналар ва жамоатчилик фикрларини ўрганишдир. Шу билан биргаликда, кўргазмага қўйилган мактаб мебеллари танлов олди саралаш босқичи, уларни мутахассислар томонидан баҳоланиши, шунингдек, мазкур мебелларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган хомашё сифати ва таркибини ўрганиш кўзда тутилган.

КЎРГАЗМА 2006 ЙИЛ 13-20 МАРТ КУНЛАРИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ 5-ПАВИЛЬОНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Қўшимча маълумотлар учун тендер комиссиясининг ишчи органига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:
700077, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам к., 3-берк кўча, 92-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Ўқув таълим-таъминот" бош бошқармаси.

Тел.: (83712) 68-03-37, 68-75-85. Факс: (83712) 68-03-37.

HYUNDAI
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS



Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekiatan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Омон бўлинг, ОНАЛАР!

Қирқ биринчи жони бўлсам...

Раҳим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми:

— Ижодимдан оналар мавзуси кенг ўрин олган. Уларнинг сувратини чизар эканман, гулдек вужудида метиндек ирода яширин эканлигидан ҳайратланаман. Ўзи нозик-кинаю, бўронларга, довулларга ва тўфонларга мардонаворлик билан дош беради. Аёлнинг жони қирқта деганларича ҳам бор. Уларнинг қирқ биринчи жони бўлсам дейман. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлишсин.

Олқиш топдиму...

Озода ЁРОВА, хонанда,
"Айтишув" кўрсатуви иштирокчиси:

— Она ҳақида қўшиқ яратаётганимда, аввало, уларнинг умрлари узун бўлсин, деган истак кечади кўнглимдан. Кейин эса раҳматли онагинамни хотирлаб кетаман. Мени, опа-укаларимни минг машаққат билан вояга етказди-ю, роҳатимизни кўриш насиб этмади. Яқинда она ҳақидаги янги қўшиқни ижро этганимда кўплаб томошабинлар кўзида ёш кўрдим. Буям санъаткор учун бахт. Лекин шунча олқиш топганим ҳолда онамни тополмайман. Отамнинг юз ёшларга кириб, бизга ҳам ота, ҳам она бўлиб юришини Яратгандан сўрайман.

"Халқ сўзи" мухбири
Г.ЙЎЛДОШЕВА
ёзиб олди.

Назм

ГЎЛ

Бир рухсор тилаги жондан юксалди,
Кўксимда уйғонган ордан юксалди,
Бўғзимда куй бўлган тордан юксалди,
Аммо... исминг дилда қолиб кетди гул,
Мени осмонингга олиб кетдинг, гул.

Шамоллар юртида дайдиб йиғладим,
Ёмғирлар қўшиғин айтиб йиғладим,
Минг бора ўзимга қайтиб йиғладим,
Нетай... Ўз изимингга солиб кетдинг гул,
Осмонингга кетиб. Қолиб кетдим гул.

Теграмдан неча бор қадрлар ўтди,
Мени улғайтирган сабрлар ўтди,
Йўлларимга мушток кибрлар ўтди,
Исминг томиримдан оқиб ўтди гул,
Бирга осмонингда ёниб кетдик, гул.

Дилфуза ҚОСИМОВА.

Баҳор келганини сездингми, аёл?

Чечаклар пойингга поёндоз бўлмиш,
Ўсмалар қошингга кўп пардоз бўлмиш,
Жилғалар кулгунга жўровоз бўлмиш,
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Кулгингда кўкламнинг шавқи кўринмиш,
Қалбингда ҳаётнинг завқи кўринмиш,
Кўзингда муҳаббат туғёнлар урмиш,
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Сенга интилганлар саодат топур,
Ором ахтарганлар ҳаловат топур,
Севгингдан ошиқлар садоқат топур,
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Назира БОЙМУРОДОВА.

Спорт

Ёш гимнастикачимиз ютуғи

Москвада бадиий гимнастика бўйича анъанавий "Baby cup" халқаро турнири бўлиб ўтди. Мазкур турнирда етти ёшли Иман Азизова юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Тошкентлик ёш гимнастикачи нуфузли мусобақадаги дебютини муваффақиятли бошлади. У барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Синхрончиларимиз Сингапурда

Кеча Сингапурда синхрон сузиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди.

Чемпионатда Дарья Можаева, Наталья Корнеева, Валентина Попова ва Валерия Золотих сингари йирик мусобақаларда тажриба орттирган спортчиларимиз иштирок этмоқда.

Мусобақа 12 мартгача давом этади.

Чемпионлар баҳси бошланди

Бугун қитъамизда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ўйинларига старт берилади. "Пахтакор" ўз майдонида Суриянинг "Ал-Иттиҳод" жамоасига қарши майдонга тушади, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Суриялик футболчилар 6 март куни Тошкентга етиб келишди. Осиё чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган иккинчи жамоамиз "Машъал" ўзининг биринчи учрашувини сафарда Ироқнинг "Ал-Минаа" жамоаси билан ўтказади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистонлик теннисчиларнинг Деҳлидаги муваффақияти

Деҳлида ўтаётган теннис бўйича халқаро мусобақанинг иккинчи босқичи юртдошимиз Мурод Иноятов учун муваффақиятли кечди. У турнирнинг жуфтлик баҳслари финалида қозоғистонлик Алексей Кедрюк билан биргаликда ҳиндистонлик Вижай Каннан ҳамда Навдип Сингх жуфтлиги устидан 6 — 4, 6 — 2 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритди.

Айнан шу мусобақада юртимизнинг яна бир вакили — Сарвар Икромов ҳам муваффақиятли иштирок этишда давом этмоқда. Турнирнинг биринчи босқичида финалгача етиб келган ўзбекистонлик теннисчи мусобақанинг якуний босқичида кортга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Деҳли.

МАХСУС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ
ИСО 9001:2000
халқаро стандарти талабларига мос келадиган сифатни бошқариш тизимини татбиқ этиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш учун танлов эълон қилади.
Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 25 кун давомида қабул қилинади.
Телефон: 199-73-35. Факс: 199-73-35.



Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Российский линолеум
Оптовые поставки Versal MKO
Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1
тел. 134-48-11
факс 134-49-58
Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
Honeywell
RUBEZH
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Охранно-пожарная сигнализация
Наши заказчики, установленное оборудование и системы:
Центральный банк РУ - система видеонаблюдения (BURLE);
МИД РУ - механизмы открывания ворот (CAME);
отель INTERCONTINENTAL - охранное оборудование (C&K), система видеонаблюдения (BURLE), механизмы открывания ворот (CAME), источники бесперебойного питания;
МВЭС РУ - охранно-пожарное оборудование (C&K);
Radisson SAS Hotel/Tashkent - система видеонаблюдения;
Уз БАТ - система охраны периметра и видеонаблюдения (PANASONIC);
Nestle - оклейка стекол (Solar Gard);
"Лукойл" - система видеонаблюдения, локальная система контроля и ограничения доступа;
аэропорт "Ташкент" - интегрированная система видеонаблюдения, контроля и ограничения доступа, антитеррористическое дорожное препятствие;
и многое другое...
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15; факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Website:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).



АВТОМОБИЛИ В КРЕДИТ И В ЛИЗИНГ
РОССИЙСКИЕ АВТОМОБИЛИ МАРКИ ГАЗ
ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ЭКСКЛЮЗИВНОГО ДИСТРИБЬЮТОРА В УЗБЕКИСТАНЕ
AVTODOM PLUS

ГАЗ-3102 «Волга»

ГАЗ-3302, бортовой, г/п — 1,5 т, 3 места

ГАЗ-22171, «Соболь», комфортабельный микроавтобус, 6 мест

ГАЗ-33104, «Валдай», г/п — 4,5 т

ГАЗ-330202, бортовая с тентом, г/п — 2 т

ГАЗ-3302, хлебовоз, кол-во лотков — 112 шт., кол-во мест — 3

ГАЗ-33023, г/п — 1,5 т, мест — 6

ГАЗ-330900, мусоровоз

А ТАКЖЕ ПРИНИМАЕТ ЗАКАЗЫ НА ПОСТАВКУ СПЕЦТЕХНИКИ:
СКОРАЯ ПОМОЩЬ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ГРУЗОВИКИ: продовольственные, промтоварные, изотермические, хлебные, вакуумные, автогидроподъемники, автомастерские, буровые, мусоровозы, мобильные билборды, автоэвакуаторы, грузовики для перевозки газовых баллонов.
АВТОЦИСТЕРНЫ: "Молоко", топливозаправщики, самосвалы.
ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ШИРОКИЙ ВЫБОР АВТОМОБИЛЕЙ МАРКИ "ГАЗ"
Автомобили «Волга», грузовики г/п — 1,5-4,5 т, цельнометаллические фургоны 3-7 мест, г/п — 0,8 т, микроавтобусы 6-15 мест.
ФОРМА ОПЛАТЫ — ЛЮБАЯ
700015, Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 16 а.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Горячая линия: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

«ГРАНА» Алтай - Россия
УН ЁРМАЛАР
барча навлари
Ун о/н 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Ун 1-нав
Жавдар ун
Қора буғдой, нўхатли, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари
Энди Ўзбекистонда ҳам
«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги
Грана
УЛГУРЖИ САВДО 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ
Маҳсулот сертификатланган
Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

Жиззах вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 февралдаги №13-0602/1103-сонли ажримига асосан «Мардон Ш» ҳамда 2006 йил 1 мартдаги №13-0602/1214-сонли ажримига асосан «Жасур плюс» хусусий фирмаларига нисбатан банкротлик иши очилиб кузатув жараёни жорий қилинган ва мувақкат (суд) бошқарувчиси этиб С. У. Пармонов тайинланган.

«Мардон Ш» хусусий фирмаси кредиторларининг биринчи умумий йиғилиши 2006 йил 20 март куни соат 11.00да, «Жасур плюс» хусусий фирмаси кредиторларининг биринчи умумий йиғилиши 2006 йил 20 март куни соат 14.00да бўлиб ўтади. Ишончли вакиллар ишончнома билан келишлари шарт.

Мувақкат (суд) бошқаруви Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 63-уй, 214-хонада жойлашган бўлиб, кредиторлар қарздорлик суммасини кредиторлар талаб қилиш реестрига киритиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент Тиббиёт Академияси жамоаси анатомия ва оператив жарроҳлик ҳамда топографик анатомия кафедраси мудири тиббиёт фанлари доктори, профессор Ўткир Миршараповга онаси **АЗИЗА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси «Сурхонпахтасаноат» бирлашмаси раиси Хўжам Қодировга волидаи муҳтарамаси **ТОЖИМОМО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти **Ҳаким РАҲМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

(Газетанинг навбатдаги сони 10 март, жума куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Донёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5